

## ХАБАРЛАР

# Россиядаги тақчиллик ортидан Ўзбекистонда АИ-90 бензини қарийб 14 минг сўмга чиқди

1 дақиқа аввал



Шу кунда АИ-90 бензиннинг нархи 13 минг 919 сўмга қимматлаб, Ўзбекистондаги тарихий рекордни янгилади.

Энг катта нарх ўсиши 4–8 июнь кунлари кузатилиб, ушбу даврда бензин нархи тоннасига 12 миллион 476 минг сўмдан 13 миллион 788 минг сўмгача, яъни 10,5 фоизга ошган.

Мутахассислар нархларнинг кескин кўтарилишини Россиядаги нефтни қайта ишлаш заводларига Украина ҳужумлари оқибатида юзага келган ёқилғи танқислиги билан изоҳламоқда.

Боиси, Ўзбекистон томони берган расмий статистикага кўра, 2026 йил бошида импорт қилинган 568,7 минг тонна бензиннинг тахминан 400–450 минг тоннаси Россиядан олинган, қолгани Қозоғистондан эди.

Россия ёқилғи танқислигини юмшатиш мақсадида Ҳиндистондан денгиз орқали бензин импорт қилишни бошлаган. Бу ҳақда 2 июль куни Рейтерс агентлигининг икки манбаси хабар қилди.

Кремль матбуот котиби 30 июн куни Россия бошқа давлатлар билан алоқада экани ва мақбул нархларда ёқилғи импорт қилиш масаласини муҳокама қилаётганини маълум қилган, аммо Ҳиндистондан импорт масаласида тафсилотларни ошқор қилмаган эди.

Рейтерс манбаларидан бири камида 60 минг тонна бензин Ҳиндистондан Россияга жўнатилганини билдирди. Яна бир манбага кўра, ҳар бири 30 минг–40 минг тонна юк ташиган икки танкер Россияга йўл олган.

Аммо, 2 июл куни Индия Таймс нашри, Ҳиндистон Нефт вазири Ҳардип Сингх Пури ҳинд компаниялари Россияга қайта ишланган ёқилғини тўғридан-тўғри сотмаётганини маълум қилганини хабар қилди.

*"Ҳинд компаниялари Россияга ёқилғи сотмаяпти. Ҳиндистонда қайта ишланган ёқилғи ўртадаги савдо ширкатлари орқали Россияга сотилаётган бўлиши мумкин",* дея иқтибос келитиради вазирдан Индия Таймс нашри.

Айни пайтда агентликнинг яна бир манбасининг айтишича, Россия ҳар ой турли давлатлардан, жумладан, ҳозирда ёқилғи экспорт қилаётган қўшни Беларусдан ҳам, жами 400 минг тонна бензин импорт қилишни режаламоқда.

Ёз мавсумида Россияда бензин истеъмоли кунига камида 110 минг тоннани ташкил қилади. Бу даврда ёқилғига талаб юқори бўлади.

Reuters ҳисоб-китоблари ва манбаларга кўра, Беларус июнь ойининг биринчи ярмида Россияга темирйўл орқали бензин етказиб бериш ҳажмини май ойининг биринчи ярмига нисбатан қарийб уч бараварга ошириб, 70 минг тоннадан зиёдга етказган.

Россия парламенти ўтган ҳафта Украина дрон ҳужумлари оқибатида юзага келган ёқилғи танқислигига қарши курашишга қаратилган солиқ кодексига ўзгартишларни маъқуллади. Улар қаторида Ҳиндистондан етказиб бериш харажатлари ва нархларига боғланган ҳолда ёқилғи импорти учун субсидиялар ажратиш ҳам кўзда тутилган.

Крлер маълумотларига кўра, июнь ойида Россия нефти Ҳиндистон умумий нефть импортининг ярмидан кўпроғини ташкил этган.

---

Озодлик радиоси © 2026 RFE/RL, Inc. | Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.